



TERRITORIAL LOCATION OF SETTLEMENTS OF JIZZAKH REGION AND MIGRATION PROCESSES IN THEM

Odil Mukhamedov
Associate Professor
Samarkand State University
Samarkand, Uzbekistan

Elbek Kamolov
Lecturer
Jizzakh State Pedagogical University
Jizzakh, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: geographical location, population density, specialization, demographic situation, territorial movement of population, grouping, migration balance.

Received: 26.03.25

Accepted: 28.03.25

Published: 30.03.25

Abstract: The article studies the geographical location of regional settlements and the factors influencing migration processes in them at the regional level, groups the population of the region according to their location and size, studies the density of the rural population, the number of settlements, their size depending on the natural conditions, geographical location, and specialization in economic sectors of the places, and analyzes their territorial characteristics.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ АҲОЛИ МАНЗИЛГОҲЛАРИНИНГ ҲУДУДИЙ ЖОЙЛАШУВИ ВА УЛАРДАГИ МИГРАЦИОН ЖАРАЁНЛАР

Одил Мухамедов
доцент
Самарқанд давлат университети
Самарқанд, Ўзбекистон

Элбек Камолов
ўқитувчи
Жиззах давлат педагогика университети
Жиззах, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: географик ўрин, аҳоли зичлиги, ихтисослашув, демографик вазият, аҳолининг ҳудудий ҳаракати, гурухлаш, миграция сальдоси.

Аннотация: мақолада вилоят аҳоли манзилгоҳларининг географик жойлашуви ва улардаги миграцион жараёнларга таъсир этувчи омиллар ҳудудлар даражасида

тадқиқ этилган, вилояти аҳолиси жойлашуви ва катта-кичиклигига қўра гурухланган, қишлоқ аҳолисининг зичлиги, аҳоли манзилгоҳларининг сони, уларнинг катта-кичиклиги жойларнинг табиий шароити, географик ўрни, хўжалик соҳаларига ихтисослашганлигига боғлик ҳолда ўрганилган ва худудий хусусиятлари таҳлил қилинган.

ТЕРРИТОРИАЛЬНОЕ РАЗМЕЩЕНИЕ НАСЕЛЕННЫХ ПУНКТОВ ДЖИЗАКСКОЙ ОБЛАСТИ И МИГРАЦИОННЫЕ ПРОЦЕССЫ В НИХ

Одил Мухамедов

Доцент

Самаркандинский государственный университет

Самарканд, Узбекистан

Элбек Камолов

Преподаватель

Джизакский государственный педагогический университет

Джизак, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: географическое положение, плотность населения, специализация, демографическая ситуация, территориальное движение населения, группировка, миграционный баланс.

Аннотация: В статье изучено географическое положение населенных пунктов области и факторы, влияющие на миграционные процессы в них на региональном уровне, проведена группировка населения региона по местоположению и размерам, изучены плотность сельского населения, количество населенных пунктов, их размеры в зависимости от природных условий, географического положения и отраслевой специализации населенных пунктов, проанализированы их территориальные особенности.

Аҳоли манзилгоҳларининг жойлашиши табиий шароит ва тарихий ривожланиш хусусиятларига мос равишда шаклланади ва ривожланади. Бу жиҳатдан Жиззах вилоятининг ўзига хос географик ўрни яъни республикамизнинг марказий қисмидан жой олганлиги, мамлакат пойтахти Тошкент шахри ва қадимий-тарихий Самарқанд шаҳарлари оралиғида жойлашганлиги, вилоят худудидан умумдавлат ахамиятига эга бўлган «Олмаота-Бишкек-Тошкент-Самарқанд-Термиз» автомагистралининг ўтганлиги, тоғ ва чўл геопараларининг яққол намоён бўлиши аҳоли манзилгоҳларининг таркиби топиши ва ривожланишига бевосита таъсир кўрсатади. Жиззах вилояти майдони $21,2 \text{ минг км}^2$ бўлиб, бу республика умумий майдонининг 4,7% и демакдир. Аҳоли зичлиги 1 км^2 71,1 кишини

ташкил этиб, бу жиҳатдан вилоятлар бўйича ўнинчи ўринни эгаллайди. Бундай кўриниб турибдики, вилоят майдонининг катта қисми табиий шароит нокулай бўлган худудлардан ташкил топганлиги ахоли жойлашуви ва зичлигига таъсир кўрсатган.

Вилоят ахолисининг ҳудудий таркибига табиий шароит бевосита таъсир қилади. Жумладан, ахоли қадимдан табиий шароити қулай бўлган, суғорма дехқончилик ривожланган худудларда зич яшаб келган. Ҳозирги кунда ҳам йирик ва ўрта шахарлар ҳамда магистрал йўллар атрофининг демографик сифими анча юқори. Бинобарин, туманлар миқёсида ахолининг жойланиш салмоғи бир хил эмас. Туманларнинг табиий шароити, ер ресурслари билан таъминланганлик даражаси, иқтисодий географик ўрни таъсирида ахолининг жойлашуви ҳам ҳар хил. 2025-йил 1-январь маълумотларига кўра, ахолининг ҳудудий мужассамлашуви бўйича Шароф Рашидов тумани вилоятда олдинги ўринда туради (15,5 %). Кейинги ўринларни Жиззах шаҳар (12,9 %), Фаллаорол (12,4 %), Зомин (11,9 %) ва Бахмал (11,3%) туманлари эгаллайди. Вилоятда доимий ахоли сонининг ўсиш суръати Шароф Рашидов (102,7%), Зомин (102,5%), Бахмал (102,3%) туманларида юқори кўрсатгичга эга. Шароф Рашидов тумани бевосита вилоят марказини ўраб турганлиги ва табиий шароитининг қулайлиги вилоят ахолисини бирмунча кўпроқ ўзида мужассамлаштиришига асос бўлган.

Ахоли жойланиш салмоғининг энг паст кўрсаткичи Янгибод туманида қузатилади (2,0%). Кейинги ўринларда Арнасой (3,3 %), Зафаробод (3,6 %) ва Мирзачўл (3,7 %) туманлари туради. Бироқ Фориш тумани вилоят майдонининг 46,3 фоизини ташкил этгани ҳолда ахолисининг 6,6 фоизини ўзида мужассамлаштирган. Туманнинг катта қисми тоғ ва чўллардан иборат бўлиши ахолининг сийрак жойланишига сабаб бўлган.

Ахоли сонининг ўсиши, унинг табиий ва механик ҳаракати натижасида жойларнинг демографик сифими ҳам ўзгариб боради ва бу, энг аввало, зичлик кўрсаткичларида ўз аксини топади. Маълумки, ахоли азалдан табиий шароити қулай, обикор дехқончилик ривожланган жойларда зич яшаб келган. Вилоят ҳудудидан Сангзор дарёсининг оқиб ўтиши ахоли жойлашуvida муҳим аҳамият касб этади. Ушбу дарё бўйлаб жойлашган туманларда ахоли зичлигига маълум даражада ички тафовутлар мавжуд, яъни туманларнинг дарёга яқин қисмларида ахоли бирмунча зичроқ яшайди. Аксинча, дарёдан узоқ ва сув танқис бўлган худудларда ахоли анча сийрак жойлашади.

Умуман олганда, Жиззах вилояти ахолисининг жойлашуvida қуидаги гурухларни ажратиш мумкин:

- нисбатан юқори урбанизациялашган туманлар (Пахтакор ва Зарбдор туманлари), ушбу гурух туманларда ахоли зичлиги мос равишда 269,6-185 кишидан иборат;

- интенсив суформа дехқончилик ривожланган ҳудудлар (Шароф Рашидов, Зафаробод, Дўстлик, Мирзачўл, Арнасой, Фалаорол ва Бахмал туманлари)-зичлик 173,6-98,3 киши;

- тоғ ва тоғолди, чўл минтақалари- Фориш, Янгибод ва Зомин туманларида аҳоли зичлиги мос равиша 9,9-41,3 ва 81,6 кишини ташкил этади.

Вилоятда аҳоли зичлиги ўртacha 1 км² майдонга 71,1 киши (2025 й.), Пахтакор ва Зарбдор туманларида эса бу кўрсаткич анча юқори, улар Жиззах шаҳри атрофида жойлашган бўлиб, бу ерда аҳолининг иш билан бандлик даражаси юқори, инфратузилма тизими яхши ривожланган ва вилоят марказини янги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашга ихтисослашган. Туманларнинг жойлашган ўрни, табиий ва агроиклиний шароитлари, шунингдек инфратузилмасининг ривожланганлигидаги фарқлар уларда аҳоли зичлигининг турлича бўлишига сабаб бўлади. Масалан, Пахтакор (269,6 киши) ва Фориш (9,9 киши) туманлари орасидаги аҳоли зичлигининг ҳудудий тафовути ёки географийлик коэффициенти 27 мартадан зиёд.

Суформа дехқончилик ривожланган Шароф Рашидов ва Зафаробод туманларида ҳам аҳоли зичлиги бирмунча юқоридир (173,6 ва 114 киши). Бунда аҳоли қўл меҳнати қўп талаб қилинадиган қишлоқ хўжалиги билан банд. Демак, мазкур туманларда интенсив дехқончилик, яъни ердан унумли ва самарали фойдаланиш яхши ривожланган. Айни чоғда табиий шароитига кўра, чўл ва тоғолди минтақаларига тўғри келадиган Фориш, Янгибод ва Зомин туманларида аҳоли бироз сийрак жойлашган. Ушбу ҳудудда лалмикор дехқончиликнинг устунлиги ва ердан экстенсив фойдаланиш кузатилади. Бундан ташқари, кўрилаётган туманларда яйлов чорвачилиги қўп ишчи кучи талаб қилмайди. Шу сабабдан маҳаллий аҳолининг обикор дехқончилик қилинадиган районларга кўчиб кетиши ҳам учраб туради.

Вилоятда инфратузилма тизимининг ривожланганлик даражасидаги ҳудудий фарқлар ва кишиларнинг хўжалик фаолиятига боғлиқ ҳолда қишлоқ аҳоли манзилгоҳларининг катта-кичиклиги ҳар хил.

Жиззах вилояти статистика бошқармаси маълумотларига кўра 2024 йилда вилоят бўйича 105 та маҳалла фуқаролар йиғини, 558 та қишлоқ аҳоли пунктлари мавжудлиги қайд этилган. Жумладан, Шароф Рашидов туманида катта қишлоқларнинг қўп бўлиши табиий ҳол. Чунки, туман Жиззах шаҳрига бевосита туташганлиги сабаб бу ерда урбанизациянин жараёни бошқа туманларга нисбатан юқори. Туманда ҳар бир қишлоққа ўртacha 3050 киши тўғри келади. Шунингдек, аҳоли пунктларининг жойлашиш хусусиятига кўра нуқтасимон ёки тугун шаклига эга бўлган Дўстлик ва Мирзачўл туманларида ҳар бир қишлоққа юқоридагиларга мос ҳолда 4621 ва 3200 киши тўғри келади. Мазкур туманларда

вилоятнинг бошқа туманларига нисбатан аҳоли пунктларининг кам сонлилиги кузатилади (8-7 та). Бироқ улар ўзида бирмунча кўпроқ аҳолини мужассамлаштирган.

Шаҳар ва дарё водийларидан узоқлашиб, чўл ва тоғолди ҳудудларига борган сари қишлоқларнинг кичиклашиши ва аҳоли зичлигининг пасайиши кўзга ташланади. Чунончи, вилоят ҳудудининг 46,3 фоизини ташкил қилувчи Фориш туманида ҳар бир қишлоққа ўртача 668 киши тўғри келади (вилоятда ўртача 1433 киши). Шунингдек, майдонининг катта қисми адирликлардан иборат, гидрографик шаҳобчалари яхши ривожланмаган Янгибод туманида ҳам аҳоли ниҳоятда сийрак жойлашган (зичлик 41,3 киши) бўлиб, ҳар бир қишлоққа ўртача 756 киши тўғри келади.

Ажабланарлиси, Фориш туманида Жиззах вилояти статистика бошқармаси маълумотларига кўра, аҳоли сони 3 кишидан иборат Абай ва аҳолиси 15 кишини ташкил этадиган Қудуқ қишлоқ аҳоли пунктлари қайд этилганлигини кўришимиз мумкин. Шунингдек, Изей қишлоқ аҳоли пунктида аҳоли сони 2020 йилда қайд этилмаган. Мазкур аҳоли пунктларида асосан чорвадорлар истиқомат қиласди.

Қишлоқ аҳолисининг зичлиги, аҳоли манзилгоҳларининг сони, уларнинг катта-кичиклиги жойларнинг табиий шароити, географик ўрни, хўжалик соҳаларига ихтисослашганлигига боғлиқ. Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, вилоят туманларининг табиий шароити ва инфратузилма тизимидан келиб чиқсан ҳолда қишлоқ аҳоли манзилгоҳларини уларнинг катта-кичиклиги бўйича қуидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

- аҳоли сони 500 кишигача бўлган қишлоқ аҳоли пунктлари Фориш (48 та) ва Фаллаорол (30) туманларида кўпчиликни ташкил этиб, вилоятдаги 500 кишигача бўлган жами қишлоқларнинг 56,5 фоизини ташкил қиласди. Мазкур туманларнинг тоғ ва тоғолди ҳудудларида калта сойларда кичик аҳоли пунктларининг лентасимон жойлашганлигини кўришимиз мумкин.
- аҳоли сони 1000 кишигача бўлган қишлоқлар Бахмал (43 та), Фориш (41 та) ва Фаллаорол (31 та) туманларида кўпчиликни ташкил этиб, вилоятдаги 1000 кишигача бўлган жами қишлоқларнинг 71 фоизини ташкил қиласди;
- 1000-3000 кишилик аҳолига эга бўлган қишлоқлар Фаллаорол (44 та) ва Бахмал (39 та) туманларида кўпроқ бўлиб, уларнинг ҳиссасига вилоятдаги 1000-3000 кишигача бўлган жами қишлоқларнинг 48,5 фоизи тўғри келади;
- аҳоли сони 3000-5000 кишигача бўлган қишлоқлар бўйича Шароф Рашидов (8 та), Зомин (6 та) ва Зарбдор (6 та) туманлари етакчи ҳисобланиб, улар вилоятдаги мазкур гуруҳга тегишли бўлган жами қишлоқларнинг 54 фоизини ташкил қиласди.

➤ энг йирик қишлоқлар (5000 кишидан ортиқ) ҳам күпроқ Шароф Рашидов (8 та), ва Дўстлик (5 та) туманлариға тўғри келади. Ушбу худудларда вилоятдаги аҳолиси 5000 кишидан зиёд бўлган жами қишлоқларнинг 68 фоизи жойлашган. Жумладан, Шароф Рашидов туманида Сарайлик (16750 киши), Хайробод (6910 киши), Янгиқишлоқ (6590), Олмачи (6408 киши), Дўстлик туманида Богот (7453 киши) ва Қаҳрамон (6675 киши) қишлоқлари катта қишлоқлар сирасига киради. Бу қишлоқлarda аҳоли азалдан дехқончилик билан биргаликда хунармандчилик билан ҳам шуғулланиб келишган.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтишимиз керакки, Дўстлик туманида жами 8 та қишлоқ аҳоли пунктлари мавжуд бўлиб, улардан 5 тасида аҳоли сони 5000 кишидан зиёд. Булар асосан Мирзачўлни ўзлаштириш ҳисобига ташкил этилган аҳоли пунктлари ҳисобланади.

Аҳоли сони ўсишига миграция жараёнлари бевосита таъсир кўрсатади. Давлат мустақиллиги эълон қилингандан сўнг аҳоли миграциясида русийзабон халқларининг миграцияси кучайган бўлса, ҳозирги кунга келиб маҳаллий аҳолида меҳнат миграциясининг салмоғи ортиб бормоқда. Жиззах вилоятида аҳоли манзилгоҳларининг шаклланишида қўриқ ва бўз ерларнинг ўзлаштирилиши катта аҳамият касб этган. Қўриқ ва бўз ерларнинг ўзлаштирилиши мазкур худудларда ишчи кучига ва ижтимоий-иқтисодий соҳаларни ривожлантириш учун малакали кадрларга бўлган талабнинг юқори бўлиши табиий. Натижада, аҳоли зич яшайдиган минтақалардан ушбу худудларга аҳоли қўчиши ҳоллари кузатилади. Ўтган асрнинг 70-йилларида Мирзачўлнинг ўзлаштирилиши билан ортиқча ишчи кучига эга бўлган минтақалардан аҳоли кўчириб келтирилган. Аҳоли миграцияси шаҳар ва қишлоқлар ўртасида анча ривожланган. Шаҳардан қишлоқларга кам ҳолатларда аҳоли қўчади. Бироқ, қишлоқдан шаҳарларга аҳолининг миграцияси доимо юқори бўлиб келган, яъни ёшларнинг олий ўқув юртлариға бориб ўқиши ва ишлаб қолиши, шунингдек, ортиқча меҳнат ресурсларининг шаҳардан иш топиши ҳам ички миграция сальдосига таъсир қиласди. Айни вақтда аҳолининг қўчиши ҳудудлар аҳоли таркибининг ўзгаришига олиб келади.

2005-2024 йиллар давомида Жиззах вилояти ва туманлари даражасида аҳоли миграцияси сальдоси таҳлил қилингандан манфий кўрсаткичлар қайд этилади. 2024-йил вилоят бўйича кўчиб келганлар 6307 кишини кўчиб кетганлар эса 8427 кишини ташкил қиласди. Миграция сальдосидаги фарқларнинг юқорилиги 2005-2010 йилларда яққол кўзга ташланиб, бу жиҳатдан Жиззах шаҳри, Дўстлик, Зафаробод ва Фориш туманлари алоҳида ажralиб туради. Масалан, 2005 йилда вилоятда ҳар минг кишига миграция сальдоси - 11,1 промиллени ташкил этгани ҳолда Зафаробод туманида -36,1 %, Форишда -27,5 % ва Арнасой туманида -23,4 % дан иборат бўлган. Миграция сальдосидаги фарқларнинг камлиги Бахмал (-0,9 %) ва Жиззах (0,1 %) туманларида кузатилади.

Ўрганилаётган йиллар давомида Арнасой, Фаллаорол, Дўстлик, Зомин ва Пахтакор туманларида миграция сальдоси фақат манфий кўрсаткичга эга бўлган. Мирзачўл туманида 2011-2015 йиллар давомида миграция сальдоси мусбат томонга ўзгарди ($10,7; 9,2; 7,1; 7,7\%$). Чегара худудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ислоҳатлар, шунингдек “Обод қишлоқ” дастури асосидаги ижобий ишлар мазкур туманга ҳам тегишли бўлиб миграция ҳолатларининг барқарорлашишиги сабаб бўлди.

Вилоят аҳоли пунктлари даражасида миграция жараёнлари таҳлил қилинганда деярли барча аҳоли манзилгоҳларида механик ҳаракатда аёллар салмоғи юқорилиги маълум бўлди. Масалан, 2024 йилда Жиззах вилоятига келганлар жами аҳолига нисбатан $4,1$ промиллени ташкил этган бўлса, кетганлар $5,6$ промилледан иборат бўлди. Миграция сальдоси $-1,5\%$. Миграция салдосининг юқори даражаси Фориш ($-3,5\%$) , Бахмал ($-2,9\%$), Фаллаорол ($-2,2\%$) туманларида қайд этилди. Миграциянинг ижобий салдоси Ш.Рашидов тумани ($0,4\%$), Жиззах шахри ($0,16\%$)да кузатилди. Айни шу жараённи миграцияда иштирок этаётган аёллар ва эркак даражасида таҳлил қилинганда орадаги тафовут бирмунча катталигини кўришимиз мумкин. Демак, вилоядта иммиграцияда иштирок этаётган эркаклар улуши ҳар минг қишига нисбатан $2,8$ промиллени ташкил этган бўлса, аёллар салмоғи $1,3$ промилледан иборат бўлди. Эмиграцияда эркаклар $3,2\%$, аёллар эса $2,4$ промиллени ташкил этди. Бундан кўриниб турибдики, вилоядта аҳолининг механик ҳаракатида аёллар улуши икки баробар ва ундан юқори кўрсаткичга эга эканлиги маълум бўлди.

Вилоят туманлари ва улардаги аҳоли пунктларида миграция жараёнлари статистик маълумотлар асосида таҳлил қилинганда ҳам аёллар иштирокининг юқорилиги аниқланди. Масалан, 2022 йилда Арнасой тумани Ғалаба қишлоқ аҳоли пунктида келганлар 35 қиши, кетганлар 74 қишини ташкил этган. Эмиграцияда эркаклар 25 қиши, аёллар эса 49 қишидан иборат бўлган. Бахмал тумани Қаробчи қишлоқ аҳоли пунктида келганлар жами 4 қиши, шундан аёллар 4 қиши, кетганлар улушида 1 нафар эркак ва 10 нафар аёллардан иборат бўлди. Шунингдек, Барлос қ.а.п.да иммигрантларнинг 3 нафари эркак, 21 нафарини аёллар ташкил этган. Эмиграцияда 20 қиши иштирок этиб, шундан 1 нафар эркак ва 19 нафарини аёллар ташкил этган. Бундай мисолларни деярли барча туманлардаги аҳоли манзилгоҳларида кузатишимиз мумкин. Умуман олганда вилоят ва унинг туманларида аҳоли миграцияси жадаллашиб бормоқда.

Миграция жараёнлари таҳлил қилинганда вилоятнинг айрим қишлоқ аҳоли пунктларида аҳолининг худудий ҳаракати нисбатан пастлигини кўришимиз мумкин. Масалан, Бахмал туманидаги Жарқишлоқ, Кўрбулоқ, Каттақишлоқ, Вадиган, Юқори Шўрбулоқ, Юқори Мўғол ва Ўрта Ўрай, Фаллаорол туманидаги Кўтал, Олмали, 18-Бекат,

Сафарбулоқ, Ўгат, Чаёнли ва Бешбола, Зомин туманидаги Усмонисой, Сувлисой, Тоғтерак, Сорикамар, Буржиғон, Қултепа, Хайиткултепа, Сўфимозор, Чўли Гулистон, Чилонзор ва Қудукча, Зарбдор туманида Найман ва Ургутобод, Зафаробод туманида Учоғоч ва Бўстон, Фориш туманида Колсари, Соғишимон, Байрам, Оқбулоқ, Кўҳнабозор, Деристон, Қизилқишлоқ, Андиген, Хўрабоғзи, Қияовул, Баландосмон, Толбоши, Буғомбир ва Жайрахона, Янгиобод туманида Эрганакли ва Үювли қишлоқ аҳоли пунктларида миграцион жараёнлар жуда паст. Бироқ санаб ўтилган аҳоли манзилгоҳларида аҳоли сони унинг худудий ҳаракатига нисбатан анча кўп. Бундан кўриниб турибдики, юқорида қайд этилган аҳоли масканларининг қулай табиий шароитга эгалиги, ресурслар билан таъминланганлик ҳолатининг яхшилиги, айримларида рекреацион ресурсларнинг мавжудлиги, шунингдек, қадимдан ўтроқ ҳаёт тарзи ва маҳаллий менталитетнинг ўзига хос жиҳатлари ҳам миграция жараёнларини чеклайди.

Вилоят қишлоқ аҳоли манзилгоҳларида миграция сальдоси мусбат кўрсаткичга эга аҳоли пунктларини ҳам учратиш мумкин. Масалан, Шароф Рашидов туманидаги аҳолиси 16750 кишидан иборат Сарайлик қ.а.п.да 2022 йилда келганлар 49 киши, шундан 19 нафари эркаклар 30 нафари аёллар ва кетганлар 18 кишидан иборат бўлиб, эркаклар 5 кишини аёллар эса 13 кишидан иборат бўлди. Нисбий кўрсаткичларда иммиграция 2,9 % бўлиб, эркаклар 1,1 %, аёллар 1,8 %. Эмиграция 1,1 промиллени ташкил этиб, эркаклар 0,3 %, аёлларда 0,8 % кўрсаткичи кузатилди. Бу жуда паст кўрсаткич саналади. Мазкур аҳоли манзилгоҳидаги ҳолат бевосита аҳоли бандлигига мос бўлиб, ушбу худудда кичик ва ўрта тадбиркорлик, ҳунармандчилик ва касаначиликнинг ривожланганлиги билан асослаш мумкин.

Барча даврларда ҳам миграцион жараёнлар аҳолининг энг ақлли, ишбилармон ва ҳаракатчан қатламини қамраб олган ва олмоқда. Бунда мигрантлардан катта куч, яъни маънавий ва психологик тайёргарлик талаб этилади. Миграция натижасида мамлакатда иқтисодий ўсиш кузатилиши билан миллатларнинг ассимиляциялашуви, яъни кам сонли миллатнинг мазкур давлатдаги тил, урф-одат, удум-анъаналарини қабул қилиш ҳолатлари ҳам кузатилади.

Юқоридагилар асосида қўйидагиларни таъкидлаш мумкин:

- аҳоли турмуш даражасини оширишда шаҳар ва қишлоқ ҳаёт тарзидаги тафовутларни камайтириш;
- қишлоқ аҳолисининг шаҳар аҳолисига қараганда тез ўсиши урбанизация даражасининг пасайишига сабаб бўлмокда;
- миграция жараёнларида ноқонуний (нолегал) миграцияни мониторинг қилиш, яъни кузатиш, назорат қилиш ва бошқариш орқали тартибга солиш лозим.

Вилоят қишлоқ аҳоли пунктлари миграция жараёнларида аёллар салмоғи анча юқори бўлиб, бу айрим ҳолларда ижтимоий муаммоларни ҳам келтириб чиқариши мумкин. Бунда оила мустаҳкамлиги, фарзандлар тарбияси, соғлом авлодни дунёга келтириш каби нозик масалалар турибди. Шулардан келиб чиқкан ҳолда худудларда кичик ва ўрта тадбиркорликка алоҳида эътибор берилиб енгил ва озиқ-овқат саноатини ривожлантириш, мавжуд ресурслардан унумли фойдаланган ҳолда хотин-қизларнинг бандлигини ошириш ва кам таъминланган оиласаларни иш билан таъминлаш долзарб саналади.

Адабиётлар

1. Абдуллаев Ё. Статистика назарияси.:100 савол ва жавоб.-Т.: Меҳнат, 2000.-448 б.
2. Жиззах вилояти статистика бошқармаси маълумотлари. 2022. 2024
3. Солиев А., Бўриева М., Назаров М., Мухамедов О. ва б. Қишлоқ жойлар демографияси.-Т.: ЎзМУ, 2005.-139 б.
4. Mukhamedov, O., Usmanov, M., & Sattarov, A. (2024, May). Model of birth rate in Uzbekistan and its geographical aspects. In *AIP Conference Proceedings* (Vol. 3147, No. 1). AIP Publishing.
5. Lapasovich, M. O., Nematovich, N. O., Yakubovich, Z. B., Rustamovich, U. M., & Tolipov, F. (2020). Historical and ethnographic characteristics and socio-spiritual factors of visiting tourism in Uzbekistan. *Journal of Critical Reviews*, 7(6), 47-50.
6. Копылов И.А. География населения. Учебное пособие. — 2-е изд. Москва-2016.
7. Мухамедов О.Л. Динамичные изменения уровня рождаемости населения Республики Узбекистан // «Географические проблемы развития стран и регионов» Сборник трудов Международной научно-практической конференции Ставрополь-Самарканд 2023.
8. Мухамедов О.Л. Ўзбекистонда туғилиш кўрсаткичларининг даврий ўзгаришлари //«Zamonaviy geografik tadqiqotlar: nazariya, amaliyot, innovatsiya» Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari Samarqand sh, 12-13 may 2023 yil.
9. Мухамедов О.Л., Зайнуддинова Д.К., Шоғдоров Т.А. Аҳоли сони ўсишда ёш таркиби ва миграциянинг ўрни (Жиззах вилояти мисолида) // “ЎЗБЕКИСТОН ЕВРОСИЁ МАКОНИДА: ГЕОГРАФИЯ, ГЕОИҚТИСОДИЁТ, ГЕОЭКОЛОГИЯ Ўзбекистон география жамияти. Халқаро илмий-амалий конференцияси. Тошкент 2017 ”